

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Қодиров Маруфжон Исмоилжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қидиш академияси
“Коррупцияга қарши кураш” мутахассислиги магистратура тингловчиси*

Давлатларнинг ривожланган ёки ривожланаётган бўлишидан қатъий назар бугунги кундаги энг асосий ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларидан бири коррупция ҳисобланади. Коррупция давлат ёки жамиятнинг қайси бўғини бўлишига қарамай уни фалаж қилиши мумкин бўлган, пировард мақсадига етишига хавф соладиган жиддий муаммодир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро илмий муассалар ва ташкилотлар ўтган давр мобайнида коррупцияни олдини олиш ва уни бартараф этиш учун турли тажриба ва методлар устида ўрганишлар олиб боришган ва уларни амалиётга татбиқ қилишган. Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, қонун нормаларини такомиллаштириш, жазо институтини кучайтириш, куч тузилмаларига кенг ваколатлар бериш каби амалиётларни коррупцияга қарши курашда қўллаш тўлиқ кутилган натижаларни бермаганлиги ҳаммага маълум.

Дунё давлатлари томонидан йилига 2.6 триллион АҚШ доллари ёки глобал ЯИМнинг 5 % қисми коррупцион ҳаражатларга сарфланади.¹ Бу миқдор коррупцияга қарши курашнинг қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашда янги йўналиш, яъни “4-Саноат инқилоби” деб аталаётган ахборот коммуникацион технологиялар бу иллатга қарши курашда барча давлатларнинг диққат эътиборида.

Ривожланган давлатлар коррупцияга қарши курашда ахборот технологияларини, айниқса сунъий интеллектни жорий қилиш орқали самарали натижаларга эришмоқда. Халқаро ташкилотлар ҳам аъзо давлатлар томонидан коррупцияга қарши курашда рақамли технологиялардан фойдаланиши лозимлигини алоҳида таъкидламоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг рақамлаштириш ва Коррупцияга қарши сиёсат соҳасидаги тадқиқотларига кўра, ахборот технологиялари коррупцияга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини сезиларли даражада ошириши ва коррупция омилларининг аксариятини бартараф эта оладиган муносабатларнинг мутлақо янги экотизимини яратиши мумкин. Айни пайтда аксарият ривожланган давлатлар

¹ <https://blogs.worldbank.org/governance/what-are-costs-corruption>

маълумотларни ошкор қилиш ва Коррупциянинг олдини олиш учун рақамли технологиялардан фаол фойдаланиб келмоқда.²

2018 йил 11-14 декабрь кунлари G20 етакчилари 2019-2021 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши кураш режасини муҳокама қилиш жараёнида энг муаммоли йўналишларга тўхталдилар ҳамда адолатли ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича асосий вазифаларни шакллантирдилар. Унга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни минималлаштиришнинг асосий воситаларидан бири замонавий ва самарали инновацион технологик имкониятлардан фойдаланиш ҳисобланади.³ Унга кўра, Коррупцияга қарши курашиш доирасида рақамлаштириш салоҳиятини юзага чиқариш учун давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги екотизимини шакллантириш, замонавий меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ҳамда мақсадли, ўзаро боғланган рақамлаштириш сиёсатини олиб бориш зарур.

Коррупция давлат институтларга ишончнинг йўқолишига олиб келиши, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилиши ва демократик тамойилларга путур етказиши мумкин. Ахборот технологиялари (АТ) ва сунъий интеллект (СИ) коррупцияни аниқлаш, олдини олиш ва унга қарши курашишда ёрдам берадиган воситалар ва ечимларни тақдим етиш орқали ушбу курашда самарали натижага эришиш имкониятига ега.

Ахборот технологиялари - бу ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш учун компьютерлар, дастурий таъминот ва бошқа рақамли воситалардан фойдаланишни билдирувчи кенг атама. У асосий компьютер тизимларидан мураккаб тармоқлар ва маълумотлар базаларигача бўлган кенг кўламли технологияларни ўз ичига олади.⁴ Ахборот технологияларининг пайдо бўлиши XX асрнинг бошларига тўғри келсада, II Жаҳон уруши даврида ривожлана бошлаган ва ҳозирга қадар кенг кўламли соҳалардан бирига айланиб улгурган.

Сунъий интеллект (СИ) одатда инсон ақлини талаб қиладиган вазифаларни бажаришга қодир ақли машиналарни яратиш билан боғлиқ ахборот коммуникацион технологияларинг кенг кўламли тармоғидир.⁵ Сунъий интеллект — информатиканинг алоҳида соҳаси бўлиб, одатда инсон онги билан боғлиқ имкониятлар, жумладан, тилни тушуниш, ўргатиш, муҳокама қилиш, масалани ечиш, таҳлил қилиш, қиёсий таққослаш, қарор қабул қилиш ва шу каби имкониятларга эга компьютер тизимларини яратиш билан шуғулланади.

Коррупцияга қарши курашда ахборот технологиялари ва сунъий интеллектдан фойдаланиш давлат ва жамоат институтларида шаффофлик, жавобгарлик ва самарадорликни ошириш учун ушбу воситаларни қўллашни

² E.Georg. Digital transformation: blockchain and land titles. 20-21 March 2019 Paris. OECD conference centre. <https://www.oecd.org/corruption/integrity-forum/academic-papers/Georg%20Eder>.

³ G20 Anti-Corruption Working Group Action Plan 2019-2021 and Extract from G20 Leaders Communiqué. 11-14 December 2018. Page 5. [https://one.oecd.org/document/DAF/WGB/RD\(2018\)10/En/pdf](https://one.oecd.org/document/DAF/WGB/RD(2018)10/En/pdf)

⁴ <https://www.techtarget.com/searchdatacenter/definition/IT>

⁵ <https://builtin.com/artificial-intelligence>

назарда тутади. Бу маълумотларни яхшироқ таҳлил қилиш, хавфларни баҳолаш ва мониторинг имкониятларини тақдим этиш орқали коррупция амалиётларини аниқлаш, олдини олиш ва текширишга ёрдам беради.

Илмий тадқиқотларни ўрганиш орқали коррупцияга қарши курашда ахборот технологиялари ва сунъий интеллектнинг мазмунини урта асосий тоифага бўлишимиз мумкин:

- маълумотларни тўплаш;
- маълумотларни таҳлил қилиш;
- қарорлар қабул қилиш.

Ахборот технологиялари ва сунъий интеллектнинг асосий афзалликларидан бири уларнинг катта ҳажмдаги маълумотларни (Big Data) тўплаш ва сақлаш қобилиятидир. Ушбу маълумотлардан коррупцион амалиётлар мавжудлигини кўрсатиши мумкин бўлган механизмлар, тенденциялар ва аномалияларни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, қонунбузарликлар ёки шубҳали фаолиятни аниқлаш учун давлат шартномалари, молиявий операциялар ва давлат харидлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинишда бундай маълумотлар муҳим рол ўйнайди. Смарт технологиялар, камералар ва бошқа мониторинг қурилмалари орқали маълумотларни йиғиш технологияларидан фойдаланиш ҳам коррупцияни реал вақт режимда аниқлашга ёрдам беради. Масалан, жамоат жойларидаги кузатув камералари мансабдор шахслар ва ходимларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни аниқлаш учун ишлатилиши мумкин.

Маълумотлар тўплангандан сўнг, коррупцион амалиётларни кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай механизм ёки аномалияларни аниқлаш учун уларни таҳлил қилиш керак. Сунъий интеллект ва маълумотларни таҳлил қилиш воситаларидан фойдаланиш орқали яширин муносабатларни аниқлаш ва дарҳол пайқаш мумкин бўлмаган ғайриқонуний механизмларни фош этиш мумкин. Мисол учун, прогноз таҳлиллар юқори хавфли операцияларни ёки коррупцион амалиётларга қўл уриш еҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш учун ишлатилиши мумкин. Бу эса текширувлар ўтказиш орқали уларга қонуний ечим беришни осонлаштиради, шунингдек, ресурслардан янада самаралироқ ва мақсадли фойдаланишга хизмат қилади.

Ахборот технологиялари ва сунъий интеллектнинг коррупцияга қарши курашдаги энг муҳим жиҳатларидан бири қарор қабул қилишда фойдаланиди. Ахборот технологиялари ва сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳам Коррупцияга қарши курашда қарорлар қабул қилишни яхшилашга ёрдам беради. Маълумотларни яхшироқ таҳлил қилиш ва хавфларни баҳолаш имкониятларини тақдим этиш орқали қарор қабул қилувчи мансабдор шахс, ходим ёки масъул шахслар ресурсларни қандай тақсимланганлиги ва кўпроқ

қайси йўналишларга эътибор бериш кераклиги ҳақида асосли маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Масалан, сунъий интеллектнинг ўрганиш алгоритмлари турли хил давлат даражасида маълумотларни таҳлил қилиш ва прогноз қилиш орқали натижаларни баҳолай олади ва бу қарор қабул қилувчиларга коррупцияга қарши курашнинг энг самарали стратегияларини танлаш ва уларни олдини олиш учун аввалдан ҳаракат қилиш имконини беради.

Коррупцияга қарши курашда ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни шакллантириш **технологик, институционал ва стратегик омилларнинг** комбинациясини ўз ичига олади.

Технологик омиллар:

Ахборот технологиялари ва сунъий интеллектнинг ривожланишига компьютерни қайта ишлаш қуввати, маълумотларни сақлаш ва тармоқ имкониятларидаги ютуқлар сабаб бўлди. Ушбу технологик ишланмалар катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш, механизмлар ва аномалияларни аниқлаш учун мураккаб алгоритмлар ва моделларни ишлаб чиқиш имконини берди.

Институционал омиллар:

Коррупцияга қарши курашда ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни шакллантириш ҳам ушбу технологиялар қўлланилаётган институционал контекстга боғлиқ. Бунга ушбу технологиялардан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий базалар, шунингдек, уларни амалга оширишни қўллаб-қувватловчи ташкилий тузилмалар ва жараёнлар киради. Агар рақамлаштириш жараёнларини тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар ва ихтисослаштирилган институтлар мавжуд бўлмаса, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Стратегик омиллари:

Коррупцияга қарши курашда ахборот технологиялари ва сунъий интеллектнинг шаклланиши ҳам стратегик омилларига боғлиқ. Бу коррупцияга қарши курашда ушбу технологиялардан фойдаланишга ёрдам берувчи сиёсат ва стратегияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун ресурсларни ажратишни ўз ичига олади. Акс ҳолда бу жараён коррупцияга барҳам бериш учун эмас, балки уни амалга оширишни осонлаштириб қўйиши мумкин бўлган ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Transparency International ташкилоти томонидан ҳар йили коррупция даражасини баҳолаш индексидаги 13 та CPI (corruption perceptions index) баҳолаш категориялари ҳам ҳукуматларнинг электронлашганлиги, очиқ маълумотлар ва рақамли технологиялардан фойдаланганлиги даражаси алоҳида кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.⁶ Ушбу рейтингда юқорида кўрсаткичларга эга бўлган Дания, Эстония, Финландия давлатлари коррупцияга

⁶ <https://www.transparency.org/en/news/how-cpi-scores-are-calculated>

қарши курашда ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланган давлатлар ҳисобланади.

Ушбу давлатлар коррупцияга қарши курашда асосан давлат харидлари соҳасида, пул ювишга (moneylaundering) қарши дастурлар, хабар берувчи платформалар ва прогнозлаштириш соҳаларида рақамли ахборот технологияларидан самарали фойдаланганлиги натижасида коррупция даражасини сезиларли даражада камайтиришга эришган.

Коррупцияга қарши курашда ахборот технологиялари ва сунъий интеллектдан фойдаланишда қуйидаги йўналишлар алоҳида аҳамиятга эга:

Электрон харид тизимлари:

Электрон харид тизимлари (EPS) давлат муассасаларига товарлар ва хизматларни электрон шаклда харид қилиш имконини берувчи онлайн платформалардир. Ушбу тизимлар ошкоралик, жавобгарлик ва самарадорликни ошириш орқали давлат харидларидаги коррупция имкониятларини камайтиришга ёрдам беради. EPS янада юқори даражадаги шаффофлик ва хавфсизликни таъминлаш учун блокчейн (blockchain) каби бошқа технологиялар билан ҳам бирлаштирилиши мумкин. Мисол учун, Грузия ҳукумати харидлар фаолиятини реал вақт режимида мониторингини таъминлайдиган ва барча транзакцияларни шаффоф тарзда қайд етиб борувчи блокчейнга асосланган EPSни жорий қилди.⁷

Пул ювишга қарши (Anti Money Laundering) дастурий таъминотлар:

Бундай дастурий таъминотлар жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши дастурий таъминот жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш каби молиявий жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш учун мўлжалланган. Ушбу дастурий таъминот тизимлари шубҳали механизмлар ва ҳаракатларни аниқлаш ва керак бўлганда органларни огоҳлантириш учун сунъий интеллект ва машинани ўрганиш алгоритмларидан фойдаланади. Бу тизим асосан банклар ва молиявий операцияларни амалга оширувчи муассасаларни ўз ичига қамраб олган ҳолда ишлайди.

Қўшма Штатлардаги Financial Crimes Enforcement Network (FinCEN) молиявий операциялар бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун Bank Secrecy Act (BSA) E-Filing System⁸ тизими деб номланган тизимдан фойдаланади. Тизим шубҳали механизмлар ва ҳаракатларни аниқлаш ва кейинги текшириш учун уларни белгилаш учун машинани ўрганиш алгоритмларидан фойдаланади.

Прогноз таҳлилий дастурлар:

Прогноз таҳлил - бу жиноятлар қаерда ва қачон содир бўлишини прогноз қилиш учун маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳисобланади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ресурсларини янада

⁷ <https://www.u4.no/blog/anti-corruption-reforms-successful-in-georgia-blockchain-stealing-limelight>

⁸ <https://www.fincen.gov/bsa-e-filing-system>

самаралироқ йўналтиришга ва жиноят содир етилишидан олдин олдини олишда катта аҳамиятга эга. Албатта бундай сунъий интеллектни самарали ишлаши учун уни керакли маълумотлар базаси билан таъминлаш лозим. Албатта, бу маблағ, техник таъминот ва малакали кадрларни талаб қилади. Бундан тизимга мисол қилиб, Лос-Анжелес полиция департаменти (LAPD) PredPOL деб номланган прогноз қилувчи полиция тизимини жорий қилди. Тизим ўтмишдаги жиноятлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва келажакда қаерда жиноят содир бўлишини тахмин қилиш учун техник ўрганиш алгоритмларидан фойдаланади. Кейинчалик бу маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ресурсларини энг зарур бўлган жойларга йўналтириш учун ишлатилади. Ушбу сунъий интеллект орқали ушбу штатдаги коррупцион ҳолатларни фош этиш ва олдини олишда самарали натижаларга эришилган.⁹

Хабар берувчи (whistleblower) платформалар:

Whistleblower платформалари - бу шахсларга коррупция ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида аноним равишда хабар беришга имкон берувчи онлайн платформалар ҳисобланади. Ушбу платформалар одамларнинг коррупция ҳақида хабар беришига тўсқинлик қиладиган “таъқиб қилиниши кўрқуви”ни енгишга ёрдам беради ва тергов учун қимматли маълумотларни тақдим этиши мумкин. Мисол учун, Ҳиндистон ҳукумати жамоатчилик манфаатларини ошкор қилиш ва ахборот берувчиларни ҳимоя қилиш (PIDPI) тизими деб номланган маълумот тарқатувчи платформани жорий қилди.¹⁰ Тизим шахсларга коррупция ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида аноним равишда хабар бериш имконини беради ва таъқиб қилинишдан ҳимоя қилади. Чунки шикоят қилувчи фуқаролар ўзларини таъқиб қилинишидан кўрқиб ўзлари дуч келган коррупцион ҳолатлар ҳақида хабар беришмаган. Ушбу тизим йўлга қўйилгач, коррупцияга мойил ташкилот ва мансабдор шахсларга қарши кураш ва уларни фой этиш анча самара берган.

Юқоридагиларга кўра, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект коррупцияга қарши курашда фойдаланиш катта моддий ва техник ресурслар ҳамда амалий тажрибани талаб қилади. Шунингдек, ахборот тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўп маблағ, кўп вақт, махсус билим ва кўникмаларни талаб қилсада, коррупция натижасида етказилган зарарларни ҳисобга олсак улардан фойдаланиш ҳар қандай ҳолатда ҳам самарали ва мақсадга мувофиқдир. Албатта бундай ахборот тизимлари ва сунъий интеллектдан фойдаланишда босқичма-босқич тизимли ҳаракат, аниқ йўналтирилган дастур ва механизмлар орқали коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва уларни фош қилиш имкониятига эга бўламиз.

⁹ J. Bhuiyan. LAPD ended predictive policing programs amid public outcry. <https://www.theguardian.com/us-news/2021/nov/07/lapd-predictive-policing-surveillance-reform>

¹⁰ Shri K. Sanjay Murthy, Ministry of Information and Broadcasting// Complaints under Public Interest Disclosure and Protection of Informers (PIDPI) Resolution. <https://mib.gov.in/sites/default/files/english.pdf>